УзССР Давлат матбуот қўмитаси

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 9 (65981) 1997 йил, 29 январь, чоршанба | Сотувда эркин нархда

ВАТАНГА ФИДОКОР БЎЛАЙЛИК

Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилояти мактаб-жамоатчилик музейлари фаолларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда вилоятнинг барча туманларидан келган ўқитувчилар, тўгарак раҳбарлари, ёш ўлкашунослар иштирок этишди. Ёш авлод қалбида Ватанга фидокорлик туйғуларини камол топтириш, Ватан тарихини ўрганиш, эл-юрт фаровонлиги учун курашиш каби мавзулар анжуман қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

АЛИФБОНИ ҲАММАЎҚИЙДИ

Пискент туманидаги 1-ўрта мактабда бўлиб ўтган Алифбо байрами нафақат биринчи синф ўқувчилари, балки бутун мактаб жамоаси, ота-оналарнинг ҳам қалбларига катта қувонч бахш этди. Бу йил мактабда лотин алифбосини ўрганиш ва шу асосда машғулотлар олиб борувчи гимназия синфи ташкил этилди. Ўқитувчи Матлуба Жўраева болажонларга пухта билим ва тарбия беришда яхши натижаларга эришмоқда. «Алифбо айрами»га йиғилганлар бунинг гувоҳи бўлишди.

НУРОНИЙ ДОРИЛФУНУН

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни ташкил этилганига 70 йил тўлди. Бу илм ўчоғининг мамлакатимиз халқ хўжалигини юксак малакали мута-хассислар билан таъминлашдаги ҳиссаси беқиёсдир. Дорилфунуннинг қутлуғ тўйи республикамизда кенг нишонланади.

ЭҲМЛАР ДОИМИЙ ЙЎЛДОШ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб жамоаси республика электроника илмий Маркази билан яхши алоқаларни йўлга қўйган. Мактабнинг аниқ фанлар бўйича энг иқтидорли ўқувчилари Марказ олимларининг доимий эътиборида. Бу ерда замонавий фан, янги ЭҲМлар билан танишиш бўйича мунтазам машғулотлар олиб борилади.

Шайхонтоҳур туманидаги 169-ўрта мактаб ҳам бу йўналишдаги ишлардан четда қолмаётир. Мактабларнинг ўқитувчилари ва олимлар, айниқса, физика фанини ўқитиш, истеъдодларни танлаш юзасидан ўзаро келишиб ишламоқдалар.

Ойнаи жаҳонда

«КАТТА ТАНАФФУС»

«Пайшанба» дастури кўрсатувларидан бири. Унинг бош муҳаррири Сунатулла Қўзиев шундай дейди:

Дастуримиз кенг қамровли. «Кўзгудаги акс», «Мутойиба», «Одамлар оарсида», «Одобнома», «Иймон», «Ҳиссадор» луғати туркум кўрсатувлари шулар жумласидан. Уларда инсонни миллий руҳда тарбиялашга, мукаммал дунёни англатишга, гўзал ҳаётимиз гаштини акс эттиришга ҳаракат қилаяпмиз.

«Катта танаффус» — мактаб ҳаётига бағишланган. Болаларнинг ўқиши, янгиликларга интилиши, фан олимпиадалари, баҳс-мунозараларидаги иштироклари кенг ёритилади. Шунингдек, илмий-техникавий ижод билан шуғулланаётган, касб-ҳунар устаси бўлиб етишаётган, иқтидорли болалар, чет мамлакатлардаги мактабларда ўқиётган ўқувчиларни ҳам эътибордан қочирмасликка интилаяпмиз. Кўрсатувларни тайёрлашда бизга Отабек Эшматов, Нилуфар Самиғова, Азиза Ниёзматова, Азизбек Рўзматов, Шаҳодат Мирхўжаева, Мунаввар Азизова каби пойтахтимизнинг турли мактаб ўқувчилари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Айниқса бу борада андижонлик мактаб ўқувчиси Азизбек Рўзматов фаолияти мақтовга лойиқ. Зийрак, мушоҳадали, иқтидорли Азизбекнинг видеолавҳалари ҳам ҳар жиҳатдан ёш телеижодкорларга ўрнак.

Санобар Олимжонова, Дилдора Турдиқулова, Дилором Исоқова, Насриддин Асриддинов, Авазбек Бобохўжаев сингари ижодкорлар кўмаги «Катта танаффус»нинг янада мазмундор чиқишига ҳисса қўшаяпти. Бундан буён ҳам биз мактаб ҳаёти, интернатлар, лицейлар, талабаларнинг турмуши, ўқиши борасида кўплаб қизиқарли кўрсатувлар тайёрлашга ҳаракат қиламиз.

БЎШ ВАҚТИНГИЗ КЎНГИЛЛИМИ?

Азиз НОРИНОВ — Қибрай туманидаги 87- мактаб ўқувчиси:

— Бўш вақтим бўлди дегунча тоғамнинг отига, гозларига қарашга югураман. Жиянчам Дадахон, Давронларга мазза. Уларнинг уйида хатто кабутарлари ҳам бор. Кабутарлар ақлли жониворлар экан. Ўргатсанг қўлингга қуниб ҳам дон ейишади.

* * *

Лолахон МУҲАММАДЖОНОВА — Учкўприк туманидаги 48- мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Дадам иккинчи, онам учинчи гуруҳ ногирони. Демак, бўш вақтимнинг ўзи йўқ. Яхшиям телевизор бор. «Морена Клара»ни кўряпман. Янги китоб сотиб олишга Қўқонга боргандим. Китобларни нархини кўриб хушимни йўқотай дедим. Кундалик рўзғордан ташқари кийим-бошимиз уйнайдиган ўйинчоғимиз учун ҳам пул ажратамиз. Лекин очигини айтиш керак. Кийимкечаклар қиммат, ўйинчоқлар эса бир қараганда одамни ўтакасини ёради. Қўрқинчли тимсоҳмией, сув сепар тўппончамией... қизиқ. Ўйинчоқ чиқарадиган акаопалар ўзлари шундай ўйинчоқларни ўйнаб улгайишганмикан?

* * *

Мавжуда АЪЗАМОВА — Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг ходими.

Ҳар бир ота-она фарзандининг камолоти ҳақида қайғуриши шарт. Фарзандлар учун бадиий ва эртак китоблар, турли ўйинчоқлар билан бирга эндиликда видеоли мультфильмлар тўплами ҳам тақдим этилмоқда. Айрим болалар чиндан ҳам егани олдида, емагани ортида деганларидек қўлларини қаёққа узатса етадиган бўлиб яшашяпти. Баъзан чўчийман. Бундай болалар турмуш қийинчиликларига дош беришармикан?

* * *

Шоира АСОМИДДИНОВА — А. Қодирий номли педагогика олийгоҳининг доценти:

— Фарзанд уйимиз чироғи— кўнглимиз ғурури. Шундай экан, чироқ порлаб туриши учун, бу ғурур бизни тарк этмаслиги учун улар билан бамисоли дўстдек, ўртоқдек яшашимиз керак. Жавоб тополмай қийналган жумбоғини ечишга, уни чўчитган, уни қўрқитган нарсалардан дилини фориғ қилишга шошилайлик. Таълим тарбия самимият билан биргаликда олиб борилиши шарт.

Ижодкор устозлар

МУАЛЛИМ ЯСАГАН ГЛОБУС

Вали ака Улуғов. Болаларни севувчи бу устозни Қизилтепа туманида кўпчилик яхши танийди. Узоқ йиллардан буён мактабда жуғрофиядан сабоқ бериб келади. У ятраган каттакон глобус шогирдлари орасида шов-шувга сабаб бўлди. Глобуснинг диаметри 2 метру 10 сантиметр, юзаси қарийб 14 квадрат метр. Устоз Қизилтепа туманининг 60 йиллик тўйига бағишлаб, унинг жуғрофияси тўғрисида қўлланма ҳам ёзди.

Айни вақтда Файзулла Хўжаев номли мактаб директори бўлиб ишлаётган зиёкорнинг ишлари Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан рағбатлантирилди. Яқинда мактабда бўлганимизда директор ташаббуси билан у ерда қўшимча тикувчилик, тўқувчилик, ҳунармандчилик цехлари очилганининг ҳам гувоҳи бўлдик.

ЧИРОҚ ЎЧИРИШ СИЗГА ҚОЛАДИ

Инсон ўз ақл-заковати, тафаккур кучи билан мислсиз мўъжизалар яратишга қодир. Қизилтепа туманидаги Иноят Хўжаев номли мактабнинг физика ўқитувчиси Руфатулла ака Ғайбуллаев ҳам мўъжиза яратишга қодир инсонлардан. У ясаган соат ажойиб «хислат»га эга. Эрталаб соат олти. Соат жиринглаши билан хонадондаги электр чироғи ёнади, махсус мослама орқали чойнакка ҳам ток келади. Чой қайнагандан сўнг уни электр қувватидан ажратишни ҳам соат ўз «зимма»сига олади. Сизга фақат чироқни ўчириш қолади, холос.

Дарвоқе, болалар, ушбу мосламани ясамоқчи бўлсангиз, муаллим Руфатулла ака билан маслаҳатлашишингиз ҳам мумкин. Устоз Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, «Зармитон» жамоа хўжалигининг, 6-бригадасида истиқомат қиладилар.

Баҳодир Эгамов.

Сиз кутган учрашув

ВАТАНСИЗ БОЛАЛИК ЙЎҚ,

Таниқли ижодкор, наср, драматургия ва мақоланавислликда ўз ўрнини топган Абдуқаҳҳор Иброҳимов Юлдузхон саволларига жавоб беради.

— Абдуқаҳҳор ака, болаларсиз ватан йўқ, дейдилар...

— Тушундим саволингизни. Болаларсиз ватаннинг келажаги, истиқболи бўлмайди. Ватансиз эса ҳақиқий болалик ҳам йўқ. Озод ва обод, ҳур ва мустақил Ватандагина ҳақиқий болалик бўла олади, кафолатланади. Аллоҳ таолога минг қатла шукурлар бўлсинким, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги айрим моддий қийинчиликларга қарамай халқимиз тобора яшариб бормоқда, бу деган сўз шуки, республикамизда туғилиш камаймаяпти. Болалар туғилиши камаймаган халқ Ер юзида то қиёмат сақланажак. Бу миллатимизнинг катта ва бош бахт-саодатидир. Президент Ислом Каримов бу йўлда буюк ишларни амалга оширмоқдалар. Мустақил Ўзбекистонимизда таъсис этилган биринчи орден «Соғлом авлод учун» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Хуллас, бу мавзу алоҳида бир суҳбатни тақозо этади.

— Ватансиз болалик йўқ экан, сизнингча, болаларимизга Ватанни қандай таништирсак экан?

— Жуда жиддий ва муҳим савол ўртага қўйилди. «Болаларимизга Ватанни қандай таништирсак экан?» деяпсиз. Аввало, биз — катта ёшлилар ҳаммамиз ҳам Ватаннинг нима эканини тўла-тўкис биламизми? Умуман, шу ҳақда деярли жиддий бош қотириб ўйлаб кўрганмизми? Ҳамма гап шундаки, ўзимиз тўла англаб етмаган нарсани бошқаларга қандай таништирамиз?

Ватан хусусида ҳамманинг ўз фикри, таърифи-тавсифи, ўз тушунчаси бўлиши табиий. Масалан, биров учун Ватан — бу бошпана, уй-жой, маҳалла, ишхона, нари борса, иши тушиши мумкин бўлган туман ва шаҳар маҳкамасидир. Бошқа биров учун эса бундан ташқари ота-она, қариндош-уруғлар, ҳамкасабалар, маҳалла-кўй, дўстлар, таниш-билишлар, бўлиши мумкин.

Менимча, Ватанни таништириш мумкин эмас. Чунки танишни нотанишга таништиради.

Ватан — бу аждодлар.

Ватан — бу ўзимиз.

Ватан — бу авлодларимиз.

Мен сизга айтсам, Ватан бу — туғилган жой ҳам эмас. Бугунги техника тараққий этган замонда чақалоқ самолётда ҳам, кемада ҳам, хорижий мамлакатлар — элчихоналарда ҳам дунёга келиши мумкин.

Демак, Ватан умумаждодлар таваллуд топган, авлодларнинг асосий қисми бугунги кунда ҳам яшаётган муқаддас тупроқ — бу Ватандир. Шу ўринда тупроқ — бу нима деган савол туғилиши турган гап. Болажонларимизга соддагина қилиб тушунтирсам, аждодлар туғилган, яшаб ўтган ва дафн этилган, уларнинг зурриёдлари бўлмиш — биз авлодлар яшаётган ҳамда насл-насабимиз яшаяжак Ер юзининг бир қисми бу муқаддас Тупроқдир. Ватан эса ана шу Тупроқда мавжуд барча нарсалар — одамлар, шаҳарлар, қишлоқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қушлар — ҳамма-ҳаммаси бу она-Ватандир. Ватан сўзига она сўзини қўшиб айтишимга сабаб шуки, бола Онадан туғилади, халқ эса Ватан фарзандидир.

Ватан ҳақида кўп сўзлаш мумкин ва лозим. Ватан ҳақида ҳар қанча сўзласак оз.

— Халқ достонларини, масалан, «Гўрўғли» достонини ёддан биладиган болалар бормикин ҳозир?

— Бўлиши мумкин, дейман.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди шаҳарлардагига қараганда қишлоқ жойларда узоқ сақланиб қолади. Бунга турмуш тарзи ва муҳити омиллардан бўлади. Шунинг учун ҳам республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари қишлоқларида анъанавий достончилик мактаблари, халқ бахшилари ҳамон фаол ижод қилиб келмоқдалар. Шахсан ўзимга келсам, болалигимда уйимизда халқ китоблари — «Абу Муслим», «Иброҳим Адҳам», «Маликаи Дилором», «Маликаи Донишманд»ларни, халқ достонларидан «Кунтуғмиш», «Ширин ва Шакар», «Гўрўғли»ларни аввал катталардан эшитганман, кейин эса ўзим ҳам ўқиганман. Болохонамизда қиш кечалари катталар бедилхонлик қилишганда, уларга дастёрлик қилиб, қулоқ тутганман. Менинг ижодий йўлим бошида турган бир азиз онахонни ёдга олмай ўтаолмайман. Мирориф тоғамнинг рафиқалари Зуҳрабону ўқимишли, эскича мактаб кўрган оқила, фозила, мунис ва мушфиқ аёл эдилар. Менга ўз фарзандларидек меҳр қўйган эдилар. Қуръони каримни қироат билан ўқиганларида одам сеҳрланиб қоларди, халқ китобларини образга кириб ўқиганларида одам ўзини тасвирланаётган воқеаларда иштирок этаётгандек бўларди. Аллани ҳам жуда зўр айтардилар, бешик ёки беланчакдаги гўдак у ёқда турсин, бошқалар ҳам сел бўлиб эшитардик. Умуман олганда, алла айта билишлик оналик фазилати ва фарзанди олдидаги бурчи деб биламан.

Болалигимда менинг катта бувим (отамнинг бувилари) ота ва она томондан икки бувим, туғишган онам (у кишини опа деб ўргатишган) борлиги туфайли Зуҳрабону опоқимни «она» атаганман. Менга бўла кейин-кейин катта ёшли қариндошларимиз ҳам у кишини «она» деб атай бошлаганлар. Шу-шу Зуҳрабону онам ҳаммамиз учун она мақомида эъзозли бўлиб кетганлар. Айтгандай, онам Фузулийни ҳам кўп ўқирдилар. Мен болалигимда Фузулийни ўзбек шоири деб билардим. Ўн саккиз ёшга бориб, университетда ўқиб юрган кезларимда Фузулийни озарбайжон шоири деб аташди. Бу фактик томондан тўғри бўлсада, барибир менинг болалик таассуротим бўйича Фузулийни ўзбек шоири деб ўрганиб қолганман. Менинг ақидам шуки, дунёдаги барча яхши одамлар ҳамма халқларникидир.

— Абдуқаҳҳор ака, «Тонг юлдузи»ни газетхонликнинг алифбоси деймиз, бу фикрга қандай қарайсиз?

— Аслида шундай бўлиши керак. Севимли газетамиз камида бир неча юз минг ададга эга бўлиб, ҳар бир хонадонга етиб борсагина, бундай шарафли номга тўлиқ сазовор бўлажак. Бунинг учун масъулият шу газетанинг асосий муштарийлари бўлмиш болаларимиз зиммасига тушмайди, балки биз — ота-оналар, бобо-бувилар зиммасидадир. Газета оилалар ва мактабларга кенг ва чуқур кириб боргандагина рамзий маънода алифбога айланади.

— «Ленин учқуни»ни эслайсизми?

— Қўлимга олган биринчи газетам ўша «Ленин учқуни» эди. Қирқинчи йилларнинг охирларида Хастимом мавзесидаги Ҳалимкўп маҳалласида она томондан бобом уста Миролим Мирқосим хонадонида яшардик. Отам Абдусамат Иброҳимов иккинчи жаҳон урушидан қайтмагач, бизни бобом Миролим ота Оқилон маҳалласидаги боғимиздан ўз ҳовлиларига кўчириб олиб кетган эдилар.

Миролим бобомнинг уйларида катта дарвозахона — бостирма бўлиб, тепасида болохона бор эди. Қаҳратон қиш кунлари ўтган-кетганлар шу бостирмада бир оз исиниб олишарди. Шулардан бири Абдураҳмон ота деган бир хат ташувчи эди. Абдураҳмон отанинг қиёфаси бир умр ёдимда қолган: юзларидан табасум аримовчи, ширинсўзли ва дуогўй бир отахон эдилар. Велосипед миниб хат-хабар ва газета-журналларни тарқатиб юрар эдилар. Ўз касбидан, ўз юмушидан мамнун бир инсон бўлиб, халққа зиё улашаётганларидан фахрланардилар. Ўша Абдураҳмон почтачи газетларни ўқиган-ўқимаганлигимни ҳам суриштириб қўярдилар. Шу аснода мен доимий газетхон бўлиб қолдим, кейин-кейин эса янги газетларни кўрмасам, хумориси тугадиган ашаддий газетхонга айланиб кетдим. Бунинг учун жойи жаннатда бўлгур Абдураҳмон отадан бир умр миннатдорман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, Абдуқаҳҳор ака! Сиз «Тонг юлдузи»нинг ҳақиқий жонкуярларидансиз. Буни «Ўзбекистон овози» даги чиқишларингиздан, қолаверса, бугунги суҳбатингиздан ҳам билсак бўлади. Аксарият мактаб ўқувчиси ўз газетам «Тонг юлдузи»ни қидириб топай,— демайди. Ўқитувчи, ота-оналар, шунингдек, сиз таништирган Абдураҳмон оталар уни газетхонликка йўллайди. Ҳар ҳафта икки марта ўз муштарийсини излаб келган газетанинг дастлаб суратини кўради болакай. Кейинги сафар сарлавҳа ва айрим кичик хабарларини ўқийди. Учинчи гал эса ўқувчисига айланади. Демак, жонкуярларимиз кўп бўлса, муштарийларимиз ҳам бисёрдир. Сизга баракали ижод ва саломатлик тилаймиз.

«ЛАҚАЙЛАР ҚАЙСИ ТИЛДА ГАПЛАШАДИЛАР?»

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Чунки, йўлбошчи билиб туриб, кўриб туриб миллат учун жонини фидо қилса, йўлбошчининг изидан кетаётган ҳамроҳ етакчига садоқати туфайли ҳалок бўлади. Йўлбошчи ҳам, ҳамроҳ ҳам ўз зиммасига юклатилган тарихий вазифани сидқидилдан адо этадилар. Фақат уларнинг вазифалари миллат учун турлича қимматга эга, холос. Қисқаси, Жанубий Тожикистон ҳудудида қадим-қадим замонлардан бери истиқомат қилаётган туркий элатларнинг бир гуруҳи ўзларини «турклар», бошқаси эса «ўзбеклар» деб атаётган бўлса, бунинг сабабини урф-одатлардаги, шевалардаги айрим ўзига хосликлардангина қидирмаслик керак. Айни чоғда уларнинг руҳий, маънавий оламидаги ўзига хослик ҳам эътибордан соқит қилинмаслиги шарт. Ўша икки гуруҳдан қайси биридир муайян тарихий даврда бағоят шиддатли равишда ўзлигини намоён этган, сўнг узоқ муддат уйқуга кетган.

Лақайларнинг ўзига хос элат эканини Шўро олимлари ҳам алоҳида таъкидлайдилар. Биттаси шундай таъриф беради: «Лақайлар фақат тожикларга нисбатан эмас, ҳатто туркларга нисбатан ҳам ўзларини бошқача тутадилар. Улар ташқи кўринишидан ҳам аслзода туркийларга ўхшайдилар. Тўғри, уларнинг орасида баъзан малла соч, кўк кўз кишилар ҳам учраб қолади[5].

«Туркийлар» гуруҳига мансуб уруғларнинг вакиллари форсийда бемалол гаплаша олсалар, «ўзбеклар» гуруҳининг вакиллари, хусусан, лақайлар (айниқса уларнинг аёллари) форсийда гаплаша олмайдилар. Айрим тоғли туманларда биринчи гуруҳ вакиллари ҳатто ўз она тилларини ҳам унутишиб, оилада фақат форсийда муомала қила бошлаганини кузатиш мумкин. Лекин, улар ҳамон ўзларини «турклар» деб атайдилар. Лақайлар эса ҳатто тожикларнинг хонадонига ичкуёв бўлиб борсалар ҳам бутун оила тилини ўзгартира олмаган тақдирда, ҳеч бўлмаса, фарзандларини албатта ўзбекча сўйлашга ўргатадилар. Лақайлар миллатга хос қадриятларни ниҳоятда авайлаб-асрайдилар. Гўё шоир Миразиз Аъзамнинг: «Тилимни бермайман, борим берсам ҳам... Менга нима қолар тилимни берсам?!» сатрлари айнан лақайлар назарда тутилган ҳолда ёзилгандек туюлади. Иймони бутун, матонатли элатгина охирги нафасигача ўзлигига содиқ қолади. Хўш, лақайларнинг ўзлари нима дейдилар?

Биз юқорида эслатиб ўтганимиз каби Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, ҳар хил сабаблар билан («ижтимоий буюртмалар» асосида) лақайларнинг кимлиги масаласи кун тартибига қалқиб чиққан эди. Энг қизиғи шундаки, Шўро ҳокимияти ич-ичидан чириб, емирилаётган кунларда янатағин лақайларнинг кимлиги масаласи қўзғалиб қолди. Афсуски, қизил салтанатнинг илк дамларида йўл қўйилган хатолар яна-тағин такрорланди: аксарият Москвадан ташриф буюрган олимлар лақайларни «лақай» деб, уларнинг ўзбекларга алоқаси йўқ деб исботлашга уриндилар. Бу борада негадир ҳарбийларнинг «Красная звезда» рўзномаси билан «Дружба народов» ойномаси бошқаларга ўрнак кўрсатишди. Бу масалага Шўро ҳарбийларининг Бош қароргоҳи нима учун аралашиб қолганини ўша пайтларда кўпчилик тушунмади. «Халқлар дўстлиги»ни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Москва ойномасининг хурмача қиликлари ҳам кишиларни ҳайрон қолдирди. Ақл-фаросати бор одамлар шамол қаёққа қараб эсаётганини дарҳол пайқаб олдилар ва «ижтимоий буюртма»ни бажараётган москвалик «олимлар»га зарбалар бердилар. Чунки, марказдаги мутасадди идоралар амалда ягона миллат вакиллари ўртасига нифоқ уруғини сочмоқни кўзлаган эдилар. Шукрки, уларнинг сўнгги ҳийла-найранглари самара бермади. Охири беллашувда лақайлар соф ғалабага эришдилар. Ҳа, бу гапни тўғри маънода ишлатяпмиз. Негаки, ўринсиз мунозарага айнан лақайларнинг ўзлари чек қўйдилар.

Мана, Кўктошда (Душанбе шаҳрига туташ туманда) чоп этиладиган «Лақай овози» ҳафтаномасининг 1991 йил 2-сонида босилган «Биз — ўзбекмиз!» мақоласидан олинган айрим кўчирмаларни фикримизнинг далили сифатида келтиришимиз мумкин.

Билдириш учун билиш керак

«Лақайларнинг шеваси барча ўзбек қабила ва элатлари учун тушунарли. Лақайлар ҳам бошқа ўзбек қабила ва элатларининг тилини яхши тушунадилар. Албатта, шевага хос айрим сўз ва иборалар бундан мустасно. Лекин, бу шевада ҳазрат Навоийнинг ўлмас асарлари бор. Бу шевада ҳозир ўзбек тилида ишлатилмайдиган қатор соф туркий сўзлар ҳам бор. Лақай элатининг оғзаки ижоди 96 бобли ўзбек халқининг оғзаки ижодига тамоман ўхшашдир... Лақайлар яшаган ва яшаётган кенгликлардаги жой номларининг кўплари Фарғона ва Зарафшон водийсида, Еттисувда учрайдиган жой номларини гўё такрорлайди. Эътибор беринг: Кўктош, Норин, Етимтов, Евон, Такасакирди, Қайнар, Оқжар ва ҳоказо. Бу ўхшашликлар ҳам лақайлар ўзбек миллатига мансуб эканини исботлаб турибди. Ахир, биз ҳаммамиз бир — ўзбекмиз!».

Кўчирма олинган радция-мақоланинг муаллифлари А. Алимов билан А. Жўрақулов деган биродарларимиз.

Ўша пайтлари тузилган «Лақай овози» уюшмасининг низомида «Ўзбек миллати таркибида лақайларнинг элат сифатида эътироф этилиши»ни (1-модда) таъминлаш — асосий вазифамиз», деб белгиланган эди[6].

Айтмоқчи, «Лақай овози» ҳафтаномаси «Эзгулик ва тақво йўлида бирбовур бўлинг!» деган шиорни байроқ қилиб олган ва ўз саҳифаларида эълон қилинадиган мақолаларда ўқувчиларни мудом бирдамликка даъват этади.

Ниҳоят, «Лақайлар тожикча гаплашадими?» мавзусида ёзган ёзма ишим ҳам поёнига етди. Бу ишим Гулруҳни қониқтирадими-йўқми, билмайман.

Дўстмурод ҚУРБОН.

Манбалар

1. Льютко Ф. И., «Басмачество в Локае», М — Л., 1929, стр. 28.
2. Юқорида кўрсатилган манба, стр, 35.
3. «История народов Узбекистана», Ташкент, 1947, том 11, стр. 290.
4. Кармышева Б. Х., «Узбеки-локайцы Южного Таджикистана», Сталинабад, 1954, стр, 19.
5. Малицкий Н. Г., «Учебное пособие по географии Таджикистана», Ташкент — Самарканд, 1929, стр. 64.
6. «Лақай овози» газетаси, Душанбе, 2. 1991, 4-бет.

Эл бокса бахтинг кулар

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ҲАМ ВАТАНИМ»

Мигэн Отақўзиева Тошкентдаги 102-мактабда инглиз тилидан дарс беради. Мигэннинг исмини ўқиб шунақасиям бўларкан-да, деб ҳайрон бўлгандирсиз.

Мигэн Филипс — америкалик. Тошкентда фаолият кўрсатаётган Америка тинчлик корпусининг аъзоси.

Мигэн Филипсни болалигиданоқ диёримиз қизиқтириб келган, иложи бўлса Ўзбекистонга келиб ишлаш нияти ҳам бор эди. Мана у Тошкентда. Ўзбек болаларига соф инглиз тилида гаплашиш сирларини жон дили билан ўргатмоқда. Ўзи ҳам ўзбекча гаплашишга қийналиброқ бўлса-да ҳаракат қиляпти. Хушфеъллиги, ширинсўзлиги, билимдонлиги билан мактабда ҳамманинг ҳурматига сазовор. Айниқса, ўқувчилар унинг дарсини қунт билан тинглашади. Вақти келганда чет тилидан дарс берадиган ўқитувчилар ҳам Мигэндан маслаҳат сўрашади. Мигэн бундан хурсанд. Энди исм-фамилияси ҳақида. Мигэн ўзбек йигитига кўнгил қўйиб, оила қурди ва Мигэн Отақўзиева бўлди қолди. «Ўзбекистон, энди менинг ҳам Ватаним», — дейди ғурур билан Мигэн хоним.

Ўзбекистон — Ватаним менинг

Эрта кўкламнинг чучмомалари ифори янглиг ёқимли куй жўрлигида куйланган қўшиқлар талай истеъдодларни кашф этди. Зийрак тенгдошим, гап нимадалигини англагандирсиз? Чиндан-да республикамизда кенг оммалашган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танлови бунёдкор халқимиз келажагини улуғлади.

— Яқинда Ўзбекистон қўшиқлар кўрик танловини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди, — дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат ака Шафиев. Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил, 18 ноябрдаги «Ўзбекистон — қўшиқлар байрами» тўғрисидаги 403-сонли қарорига бирмунча ижобий ўзгариш ва янгиликлар киритишга муваффақ бўлди. Эндиликда 7 ёшдан 70 ёшгача қатнашиш имкониятига эга бўлган бу шодиёна байрам умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларининг ўқувчи талабалари, ўртасида ҳам кенг миқёсда ўтказилади. Демак, республика қўшиқ байрами ҳар йили узлуксиз равишда ўтказилишига пойдевор яратилди. Халқ таълими Вазирлигига қарашли барча халқ таълимлари муассасаларининг ўқувчи талабалари, ўқитувчи тарбиячилари саралаш танловларини мустақил ўтказадилар. Жойларда кўрикни тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида муассаса раҳбарлари бошчилигида комиссиялар тузилади.

1997 йилнинг биринчи мартигача мактабгача умумтаълим мактаблари ва барча таълим

муассасаларида, биринчи апрелгача туман, шаҳар миқёсида; биринчи майгача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими бошқармасида, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармасида тасдиқланган Низом асосида қўшиқлар кўрик-танловининг биринчи босқичи якунланади. 10 майгача эса илк босқич ғолиблари рўйхати республика таълими марказига юборилади. 1997 йилнинг 20-24 май кунлари кўрик танловнинг иккинчи босқичи ўтказилади. Яна бир нарсага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Танлов қатнашчилари ташкилий қўмиталарга исталган жанр йўналишдаги, танловнинг мавзу шартларига жавоб берадиган фақат янги қўшиқларни тақдим этишлари зарур. Айни вақтда янги қўшиқларнинг матни мумтоз шоирлару замонавий ўзбек шоирларининг шеърларига ҳам асосланиши мумкин.

— Танловнинг жанр йўналиши ҳақида кенгроқ тўхталсангиз?

— Қатнашчиларнинг чиқишлари тартиби асосан қуйидаги жанрлар билан белгиланади; мақом ижроси, хор ижроси, академик ижро, фольклор ижроси, вокал-чолғу ижросидир. Ижрочиларнинг маҳоратини баҳолаш учун тегишли ташкилий қўмиталар, етакчи санъаткор ва маданият ходимларидан иборат ҳайъат ташкил топяпти. Ҳайъат таркиби ҳар йили қайта тасдиқланади.

— Кўрик учун сарф харажатлар, ғолибларни тақдирлаш масалалари қандай ҳал этилган?

— Танлов билан боғлиқ сарфлар Низомда Халқ таълими бошқармалари ва ўқув юртлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан тўланиши назарда тутилган. Ғолиблар ва кўрикни ташкил қилишда фаол иштирок этган қатнашчилар Халқ таълими Вазирлиги фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари ҳамда совғалари билан тақдирланади.

М. Шафиев яқинда босмадан чиққан рангин муқовали «Ўзбекистон — Ватаним маним» китобини бизга фахр билан кўрсатдилар.

ҚАНОТИДА КУМУШ ДИЁРИ

Юрт истиқлоли кўрк тароватини кўз-кўзловчи қирқдан ошиқ куй-қўшиқлар китоби.

Юртим, сенга шеър
битдим бугун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор ўз юртин
бутун
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп
йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор оламда
бироқ,
Битилмаган достондир
бори...

Азиз тенгдошим, ниятимиз кўрик-танловдан сиз асло четда қолманг. Кўнглингизда ниш ураётган орзуларингиз рўёбга чиқиб гуллаш фасли келганлигига инонинг.

Янги битилажак достонларинг қутлуғ бўлсин, азиз диёрим!

Дилфуза АМИНОВА.

ТОШБУЛОҚДАН БОШЛАНҒАН ЭДИ...

Тошбулоқ. Бу бизнинг сўлим қишлоқ. Менинг ва шогирдларимнинг назарида шу жаннатмакон жойдан гўзалроқ, ободроқ, файзлироқ гўша йўқдек. Бундан уч йил аввал 22-ўрта мактабда «Тарих ўлкашунослик» тўгараги ташкил қилганимизда болалар ишни Тошбулоқ тарихини ўрганишдан бошлашган эди. Улар тўплаган материаллар, тарихий суратлари асоси-

Онажоним, табиат

да альбом тайёрлаб, вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар масканида юқори баҳо олишганди.

Ўтган уч йил давомида ёш ўлкашунослар жуда кўп ишларни амалга оширдилар. Улар вилоятда ўтказилган иқтидорли болалар слётида фахрли ўринни эгалладилар. Шўрқишлоқ ўрмон зонаси табиати, ҳайвонот олами билан қизиқдилар, кузатишлар олиб бордилар.

Булардан ташқари улар тез-тез табиат қўйнига саёҳатлар ҳам уюштириб турадилар. Компас билан юришни ўрганиш, буюм халтачаларига нарсаларни жойлаштириш, палатка ўрнатиш, ухлаш қопида тунаш, дурбин билан узоқни кўриш, чамалаб ўлчаш, топографик суратга олишларни ҳам уддалашни ўрганаяптилар.

Юсуфжон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган тумани болалар ижодий маркази директори, шу тўгарак раҳбари.

ИНСОН АСАЛ

Табиат отам менинг,
Ер эса онам менинг.
Бағрида яйраб ўсган
Мевасидирман унинг.

Ер юзида мевалар
Бир-биридан лаззатли.
Аммо инсон асалдир,
Эътиборли, иззатли.

Умида АЗИМОВА.
Сирғали туманидаги 237-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ҚОР

Ойи, қаранг осмонга,
Ёғаётир оқ пахта.
Ўхшаб кетар у яна
Момиққина оқ парга.

Ойи, юринг, олайлик,
Кўрпачага солайлик.
Сўнгра ширин орзуга.
Хаёлларга толайлик.

Вой, ойижон, совуқдан
Жунжикади баданим.
Аммо қорга бурканиб,
Маза қилар Ватаним.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

МЕН БОР ЭДИМ

Онаси билан кетаётган Шоҳбозбек туғруқхонани кўрсатиб деди.

— Ойи, Жасурбекни шу ердан олганмиз-а?

— Ҳа, сениям шу ердан олганмиз, — жавоб берди она.

— Йўқ, мени олмагансиз, мен ўзим бор эдим, — билағонлик қилди кичкинтой.

ҚЎЙЛАРНИНГ БОБОСИ

Телевизор томоша қилиб ўтирган Шоҳбозбек эчкини кўриб деди:

— Ойи, ана қўйларнинг бобоси.

ЎЙНАМОҚЧИЙДИМ

Деразадан ёмғирни кузатиб ўтирган Шоҳбозбек хархаша қилди:

— Ойи, осмон қачон сув сепиб бўлади, мен кўчада ўйнамоқчийдим.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

УМРБОҚИЙ

ЖАВОҲИРНИНГ КУЧУГИ

«Грей» деган итим бор,
Кўзлари катта, мовий.
Мушукларга кун бермас
Бирозгина ҳавойи...

Сутни паққос туширар,
Қорни очса йиғлар зор.
Унинг инжиқлигидан
Қўшнилар бўлар безор.

Гоҳ умбалоқ ошади,
Бўлиб бирам ёқимтой.
Чақалоқдай кулади
Бизнинг кичик Грейвой.

Ҳозирча у миттивой,
Бир кун кучга тўлади.
Ёмонларни қўрқитиб,
Катта «Грей» бўлади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
9381 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6